

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил 18 июль

Янгийўл шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суди, ўзи  
биносида, судья Ф.Ишанходжаевнинг раислигида,  
судья ёрдамчиси Э.Аминованинг котибалигида,  
давлат айбловчиси - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар прокурори  
стажер-ёрдамчиси Д.Содиқов,  
судланувчи С.Бафоева ва унинг ҳимоячиси – “Progress-Motion”  
адвокатлик бюроси адвокати Б.Тораевнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 2-қисми “а”  
бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланувчи –  
13.07.1989 йил Бухоро вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси  
фуқароси, миллати ўзбек, ўрта маълумоти, оилали, икки нафар вояга  
етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган (судланганлик ҳолати  
тугаган), Бухоро вилояти Гиждувон тумани “Форишкент” маҳалласи  
Янгиработ кўчаси 34-уйда яшовчи, 21.06.2023 йилдан қамокда  
сақланаётган, айблов хулосасини ўз вақтида олган **Бафоева Сабохат  
Жахоновнага**

нисбатан 1-1119-2202/208-сонли жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб  
чиқиб, қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИ:

Судланувчи С.Бафоева Қозогистон Республикасида бўлиш қоидаларини  
бузгани учун мажбурий тарзда чиқариб юборилгани сабабли ушбу давлатга  
қонунда белгиланган тартибда кириш имкони йўқлигини билгани ҳолда  
2015 йил 15 август куни Тошкент вилояти Тошкент тумани “Туляби” аҳоли  
яшаш пункти ҳудудига келиб, Давлат чегарасини айланма йўллар орқали кесиб  
ўтиб, қонунга хилоф равишда Қозогистон Республикасига чиқиб кетган.

Шундан кейин С.Бафоева Қозогистон Республикаси Жамбул вилояти  
Тараз шаҳрида 2022 йил март ойига қадар яшаб, Ўзбекистон Республикасига  
кириш мақсадида 2022 йил 10 март куни Тошкент вилояти Тошкент туманида  
жойлашган “Ғишт-Кўприк” халқаро ўтказиш пунктига келган ва паспорт  
назоратидан ўтиш вақтида унинг АА серияли 5374480-сонли биометрик  
паспортида Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетгани ҳақида чегара сана  
муҳри (“дата-штамп”) йўқлиги аниқланиб, давлат чегарасини бузилиши  
ҳақида тегишли ҳужжатлар тузилган.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, суд муҳокамасида  
бевосита текширилган далилларни таҳлил қилиб, судланувчининг айби  
қуйидаги далиллар йиғиндиси билан исботлангани ҳақида хулосага келади.



Судланувчи С.Бафоева суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ўзининг кўрсатувларида Қозоғистон Республикасида ишлаб юрган вақтида ушбу давлат фуқароси Н.Киримкулов билан танишиб қолиб, унга турмушга чиққанини, Қозоғистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузгани учун 2015 йил июнь ойида мажбурий тарзда чиқариб юборилганини, Қозоғистон Республикасига турмуш ўртоғининг ёнига бориш мақсадида “Алия” исмли шахсга мурожаат қилганини, унинг бир таниши автомашинасида 2015 йил 15 август куни уни Тошкент тумани Туляби аҳоли яшаш пунктига олиб келганини, очик дала жойдан айланма йўлларни кўрсатиб юборганини, шу йўллар орқали яқка ўзи чегарадан ўтиб, Қозоғистон Республикаси ҳудудига кирганини, 2022 йил март ойига қадар Жамбул вилояти Тараз шаҳрида турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан бирга яшаб келганини, Ўзбекистон Республикасига кириш мақсадида 2022 йил 10 март куни Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган “Ғишт-Кўприк” халқаро ўтказиш пунктига келганини, паспорт назоратидан ўтиш вақтида унинг биометрик паспортида Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетгани ҳақида штамп йўқлиги аниқланганини, бу ҳақда тегишли ҳужжатлар тузилганини, ҳозирги вақтда содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилди.

Булардан ташқари С.Бафоеванинг айби суд муҳокамасида текширилган қуйидаги ёзма ва ашёвий далиллар билан ҳам исботланган:

-Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини бузилиши ҳақида баённома;

-маъмурий тартибда ушлаб туриш баённомаси;

-9231-сонли ҳарбий қисм томонидан берилган маълумотнома (*унга кўра С.Бафоева охирги марта Давлат чегараси орқали Ўзбекистон Республикасидан чиққанлиги тўғрисида маълумот аниқланмаган*);

-С.Бафоеванинг биометрик паспортини олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси;

-С.Бафоеванинг АА серияли 5374480-сонли биометрик паспорти (*унда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетгани ҳақида чегара сана муҳри мавжудэмас*);

-терговга қадар текширув материаллари.

Суд ушбу далилларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 95-моддаси талабига мувофиқ баҳолаб, ҳар бирини ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб, уларни йиғиндисини эса ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятни содир этишда С.Бафоевани айблаш учун етарли деб топади.

Юқорида кўрсатилган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган.

Дастлабки терговда С.Бафоеванинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланган, у билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ҳимоячи иштирокида ўтказилган.

Судланувчининг қилмишини жинойий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, суд қуйидаги хулосаларга келади.



Дастлабки тергов органи томонидан С.Бафоевнинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилиш учун ушбу модданинг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар камида икки нафар бажарувчилар томонидан биргаликда тўла ёки қисман содир этилган бўлиши талаб этилади.

Эълон қилинган айбловга кўра, С.Бафоева “Алия” исмли шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига чиқиб кетган.

Судда аниқланишича, С.Бафоева жиноятнинг объектив томонига кирувчи ҳаракатни мустақил содир этган, яъни чегарани бошқа шахслар билан биргаликда эмас, балки якка ўзи кесиб ўтиб, Қозоғистон Республикасига қонунга хилоф равишда чиқиб кетган.

Бундай ҳолатда С.Бафоевнинг ҳаракатларида “бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириш” квалификация қилувчи белгиси мавжуд бўлмайди.

Судда аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан келиб чиқиб, суд С.Бафоевнинг қилмишини белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ва чегарадан ўтиш сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 1-қисми билан квалификация қилади.

Жазо тайинлашда суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7, 8, 42 ва 54-моддаларига риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, судланувчининг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Жазо тури ва меъёрини белгилашда суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини эътиборга олади.

Жумладан, С.Бафоева унча оғир бўлмаган жиноят содир этганини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳисобга олиб, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддасида белгиланган жазо мақсадларига эришиш – ахлоқан тузатиш, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ва янги жиноят содир этишини олдини олиш учун унга озодликни чеклаш жазосини тайинлаш етарли ва зарур деб ҳисоблайди.

Ашёвий далиллар тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал қилинади.

Баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд



## ХУКМ ҚИЛДИ:

Бафоева Сабохат Жахоновна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин ва унга 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Бафоева Сабохат Жахоновна суд мажлиси залида дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Бафоева Сабохат Жахоновна 21.06.2023 йилдан 18.07.2023 йилгача қамоқда сақланган вақт (27 кун) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасида белгиланган қоидаларга кўра жазо муддати ҳисобига киритилсин ва қатъий ўташ учун 2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 3 (уч) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Маҳкума Бафоева Сабохат Жахоновнага нисбатан сутканинг соат 21:00дан 07:00гача бўлган вақтида яшаш жойидан, яъни Бухоро вилояти Гиждувон тумани “Форишкент” маҳалласи Янгиработ кўчаси 34-уйдан чиқишига чеклов ўрнатилсин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин:

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналари ва қўнгилочар объектларга (*кафе, бар, ресторан, чойхона, буфет, тунги клуб, дискотека ва ҳоказо*) бормаслик;

-оммавий тадбирларни ўтказилишида иштирок этмаслик;

-маҳкумани назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-алкоголли ичимликларни истеъмол қилмаслик.

Жазо маҳкуманинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг пробация хизмати назорати остида ўталсин.

Жазо муддати маҳкума жазони ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил - АА5374480-сонли биометрик паспорт Бафоева Сабохат Жахоновнага қайтарилсин.

Ҳукм устидан у эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкума томонидан эса унга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти ва протести берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи**

(имзо)

**Ф.Ишанходжаев**

*Аслига тўғри:*

*Судья Ф.Ишанходжаев*

